



СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1978 ЙИЛ 21 НОЯБДАН ЧИКА БОШЛАГАН ● № 268 (17.252) ● 24 ноябрь 1978 йил, жума ● Баҳоси 2 тийин.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич БРЕЖНЕВга

Азиз Леонид Ильич!
Биз республика идеология ходимлари активининг Сизнинг «Кўриқ» китобингиз қондаларидан меҳнатқашларни коммунистик руҳда тарбиялашни янада яхшилаш учун келиб чиқадиган Ўзбекистон партия ташкилотининг вазифаларига бағишланган йиғилиши қатнашчилари Коммунистик партиянинг, Совет давлатининг ва халқаро коммунистик ҳаракатнинг атоқли арбоби, тинчлик ва социал тараққиёт учун курашчи бўлган Сизга мамлакатимизда коммунистик қурилишнинг муҳим тарихий босқичларидан бири яққол ифодаланган янги аjoyиб асар учун чуқур миннатдорчилик ва астойдил ташаккур изҳор этамиз.

Кўриқ ерларнинг ўзлаштирилиши улуг Лениннинг ер бойликларидан Совет давлатининг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш манфаатлари йўлида оқинлаш фойдаланиш тўғрисидаги ғоялари амалда рўйга чиққанлигининг тими соли бўлди. Кўриқ қаҳрамонлиги коммунистик тузум афзалликларининг яққол исботи, мамлакатимиздаги барча халқлар дўстлиги ва бирлигининг рамзи бўлди.

Ўзбекистон коммунистлари, меҳнатқашлари, барча совет кишилари каби шу билан фахрланишлари, кўриқ ерларни ўзлаштиришга, дон етиштиришни кўпайтириш вазифаларини ҳал этишга Сиз, азиз Леонид Ильич бошчилик қилдингиз. Сизнинг жўшқин ғайратингиз, бой ҳаётли тажрибангиз, буюк ташкилотчилик истеъдодингиз кўриқ ерларнинг галласи учун бўлган жангда бебаҳо роль ўйнади. Бу жангда шараф билан ютиб чиқилди, кўриқ ерларнинг ўзи эса меҳнат қаҳрамонлиги рамзи, миллион-мил-

лион совет кишиларини тарбиялаш, уларнинг муҳим давлат ишида иштирок этиши мақтаби бўлиб қолди.

Сизнинг янги китобингиз кўриқ галласи учун нақадар буюк кураш олиб борилганини ҳар томонлама кўрсатади, экономика билан сиёсатнинг, халқ ҳўжалиги соҳасидаги катта-катта вазифаларини амалга оширишда партия тактикаси билан стратегиясининг боғлиқлигини тасвирлайди. Шундан аввалги «Кичик ер» ва «Тикланиш» номли хотиралар китоблари каби «Кўриқ» китоби ҳам мазмунининг бойлиги билан ажралиб туради, совет кишиларининг коммунистик-сиёсий ва маънавий ҳаётини бойитиши, ҳар бир коммунист, барча идеология кадрлари учун бекиёс қўла-нама бўлиб қолади.

Биз, Ўзбекистон меҳнатқашлари учун партиянинг кўриқ ерларни ўзлаштириш даврида ортирган тажрибаси бебаҳо бойлиқдир. Республикада янги ерларни ўзлаштириш учун кенг миқёсда кураш олиб борилмоқда, энди бу ерларда пахта, мева, сабабот, узум етиштирилмоқда. Совет кишилари жанг майдонларида бўлганидек кўриқ ерларда ҳам ўзларининг бешиқ меҳнатсеварлик, чидамлилик, саховатли бўлиш сингари энг яхши фазилатларини намойиш қилдилар ва намойиш қилмоқдалар.

Ленин қабилидаги раҳбарга хос Сизнинг демократлигингиз, очиқ қўйилганлигингиз ва айни вақтда принципа-аллигингиз, ўзингизга ва бошқаларга талабчанлигингиз, большевикча саботчилигингиз, сиёсий доғимчанлигингиз, кадрларни эҳтиёт қилиб меҳрибонлик билан ас-

рашингиз, ҳаммича катта ва кичик ишлар билан шидқидил-дан шуғулланишингиз — ана шу бошқа кўпгина фазилатларингиз турли миллатларга мансуб минг-миглаб киши-ларнинг аҳиллик билан дўстона ишлаганини таъминлади, ишининг муваффақиятини белгилаб берди.

Ўзбекистон коммунистлари, идеология ходимлари акти-ви ҳозирги вақтда «Кўриқ» китобининг қондалари, худосалари ва тасвирларини ҳар бир коммунистнинг, респу-бликадаги ҳар бир меҳнатчининг онги ва дилига еткази-ши, беш йиллик учинчи йили топириқларини ва аввало, пахта соҳасидаги юксак социалистик мажбуриятларни му-ваффақиятли бажариш учун курашга омманинг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратини янада сафарбар этиш йў-лида хизмат қилишни ўз вазифалари деб билимоқдалар.

«Кўриқ» китоби партия ташкилотларининг меҳнатқаш-ларини гоийиб-сиёсий, ватанпарварлик ва интернациона-лизм руҳида тарбиялаш ишлари партия режаларини беш йиллик планларини амалга ошириш йўлидаги кураш бил-ан узвий равишда боғлаб доимо такомиллаштиришга даъ-ват қилади, совет кишиларини мардлик ва фидокорликка, гоийиб эътиқодга, партия ва халқ ишига содиқ бўлишга ўргатади.

Ўзбекистон идеология ходимлари активи йиғилишининг қатнашчилари республиканинг барча меҳнатқашлари но-мидан Коммунистик партия билан Совет ҳукуматиининг оқилона ички ва ташқи сиёсатини яқинлик билан астой-дил маъқуллайдилар, азиз Леонид Ильич, совет халқи-нинг, ер юзидаги барча халқларнинг бахт-саодати йўлида-ги, тинчлик ва коммунизм порлоқ ғояларининг таянчаси йўлидаги тинимсиз ва самарали фаолиятингиз учун Сизга самимий ташаккур айтиядилар.

Азиз Леонид Ильич, биз, Ўзбекистон ишчилар синфи, қолхоччи деҳқонлари, зиёлилари партия XXV съездининг, КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль пленумининг тарихий қарорларини амалга ошириш учун янада фидокор-она меҳнат қилдилар, ўзининг беш йиллик топириқла-рини, мамлакатимизда коммунистик қурилиш утувдор режаларини бажаришга қўйилган ўз хиссаларини кўпай-тирдилар, деб КПСС Марказий Комитетига, Сиёсий бю-рога ва шахсан Сизга ваъда берамиз.

Яшасин барча галабалағимизнинг илҳомчиси ва таш-килотчиси — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети «Улуг Ватан уруши иштирокчиларининг моддий-маиший шартини янада яхши-лаш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилдилар.

Шу қарорга мувофиқ Улуг Ватан уруши ишти-рокчиларига кўйилган енгилликлар берилди.

Ҳар йили бир марта те-мир йўл транспортда, те-мир йўл алоқаси бўлмаган районларда эса сув йўли,

ҳаво йўли ёки шаҳарлараро автомобиль транспортда 50 процент аэрон билет билан бориб келиш;

Улуг Ватан уруши инва-лидларига белгиланган тар-тибда янака уй-жой қурили-ши учун процентиси ёрдам пули олиш ҳуқуқи;

ҳар йили навбатдаги от-пусқадан ўзалари учун қулай вақтда фойдаланиш, шу-нингдек ҳар йили иш ҳақи-ни сақлаб қолмаган ҳолда икки ҳафтагача мuddат бил-ан қўшимча отпусқа олиш ҳуқуқи;

пенсияга чиққандан кейин илгаричи иш жойида бирки-таб қўйилган поликлиника-дан фойдаланиш ҳуқуқи;

иш жойидан санатория-ларга, профилактория ва дам олиш уйларига путёвка билан биринчи навбатда таъминланиш, шунингдек богдорчилик шпиратларига (кооперативларга), биринчи навбатда қабул қилиш.

квартирага телефонни би-ринчи навбатда ўтказиш ҳу-қуқи берилди.

Маъзур енгилликлар граж-данлар уруши ва Улуг Ва-тан уруши даврида ва СССР-ни ҳимоя қилиш юзасидан ўтказилган бошқа ҳарбий операциялар вақтида ҳара-катдаги армия қисмлар, штаблар ва муассасаларда хизмат қилган ҳарбий хиз-матчиларга, Гражданлар уру-ши ва Улуг Ватан уруши партизанларига берилди.

Бундан ташқари шу қар-орга мувофиқ Улуг Ватан уруши инвалидларига қўйил-ган қўшимча енгилликлар берилди:

шаҳар атрофидаги темир йўл ва сув транспортда ҳамда шаҳар атрофидаги автобус маршрутларида те-кин қатнаш ҳуқуқи.

марказий иситиш систе-маси бўлмаган уйларда ис-

тиқомат қилувчи I ва II группадан инвалидларга аҳолига сотиш учун белги-ланган норма миқдорда со-тиб олинган ёқилнинг нархи 50 процент камайти-рилади.

II группадан инвалид-ларга текин тиш қўйириш ҳуқуқи берилди.

Бу енгилликлар, шунинг-дек СССРни мудофая қи-лиш вақтида ёки бошқа ҳар-бий хизмат бурчиларини ба-жарган вақтда праланган, қонтузи ёки шинастанган ёхуд фронтда дучор бўлган касалликлар натижасида ин-валид бўлиб қолган ҳарбий хизматчиларга ҳам; СССР Ички ишлар министрлиги органларининг хизмат бур-чини икоро қилиш вақтида праланган, қонтузи ёки шинастанганлиги туфайли инвалид бўлиб қолган бош-лиқларига ва оқдйи хизмат-чилари составидаги инва-лидларга ҳам берилди.

I ва II группадан Ватан уруши иштирокчиларини қи-лоқ ҳўжалик солиғидан, иморат солиғи ва ер рента-сидан таъминлаш овозд қи-лиш зарур деб топилиди.

Иттифоқдош республика-лар Министрлар Советига, СССР министрликлари ва идораларига Улуг Ватан уруши иштирокчиларининг моддий-маиший шартини яхши-лаш юзасидан қўшимча тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш топи-риди.

КПСС Марказий Комите-ти билан СССР Министрлар Совети иттифоқдош респу-бликалар Компартиялари Мар-казий Комитетларига, ўзла, область ва район партия но-ветноларига, иттифоқдош ав-тоном республикалар Ми-нистрлар Советига, халқ де-путатлари ўзла, область ва район Советларининг икоро комитетларига; Улуг Ватан уруши иштирокчилари-нинг эҳтиёж ва талаблар-ига ҳаммича эътибор қилиш қараш ва қонунда белгила-нгандек, уларга берилган енгиллик ва имтиёзларнинг бажарилиши устидан қаттиқ назорат қилиш вазифаси юк-ланди.

Юқорда белгиланган енгилликлар 1979 йил I ян-вардан бошлаб жорий эти-лади.



Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Декларациясининг имзоланиши. Суратда: КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев, Декларацияни имзоламоқда.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитети кенгашининг АХБОРОТИ

1978 йил 22—23 ноябрь кунлари Москвада дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Варшава Шарт-номасида қатнашувчи давлат-лар Сиёсий маслаҳат комитети-нинг кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгашида: Болгария Халқ Республикасида — делегация бошли-ги, Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитети-нинг Биринчи секретари, Болгария Халқ Республикасида Давлат кенгашининг Раиси Тодор Живков; БКП Марказий Комитети Сиёсий бюро-сининг аъзоси, БХР Министр-лар Советининг Раиси Стайко Тодоров; ВКП Мар-казий Комитети Сиёсий бюро-сининг аъзоси, БХР ташқи ишлар министри Петр Младе-нов; ВКП Марказий Комитети-нинг секретари Димитр Станисhev; БКП Марказий Комитетининг аъзоси, БКП Марказий Комитети Биринчи секретари кабинетининг бошлиғи Милко Балев; Венгрия Халқ Республикасида — делегация бошлиғи, Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети-нинг Биринчи секретари Янош Кадар; ВСНП Марказий Комитети Сиёсий бюро-сининг аъзоси, ВХР Министр-лар Советининг Раиси Дьёрд Лазар; ВСНП Марказий Комитетининг секретари Андраш Денеш; ВСНП Мар-казий Комитетининг аъзоси, БХР ташқи ишлар министри Фридьеш Пуш; Германия Демократик Рес-публикасида — делегация

бошлиғи, Германия Бирлаш-ган социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Германия Демок-ратик Республикасида Давлат кенгашининг Раиси Эрих Хонеккер; ГФСР Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГДР Министрлар Советининг Раиси Вилли Штоф; ГФСР Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГФСР Марказий Комитетининг сек-ретари Герман Аксен; ГФСР Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГФСР Марказий Комитетининг сек-ретари Гюнтер Минтаг; ГФСР Марказий Комитетининг аъ-зоси, ГДР ташқи ишлар ми-нистри Оскар Фишер; ГФСР Марказий Комитетининг аъ-зоси, ГДР ташқи ишлар ми-нистрининг биринчи ўринбо-сари Гелберт Кролинковский; ГФСР Марказий ревизио-комиссиясининг аъзоси, ГФСР Марказий Комитети халқаро алоқалар бўлимининг му-дир Эгон Винкельман; ГФСР Марказий ревизио комис-сиясининг аъзоси, ГФСР Мар-казий Комитети партия ор-ганлари бўлими мудирининг ўринбосари Вернер Эбер-ляйн;

Польша Халқ Республикасида — делегация бошли-ғи, Польша Бирлашган иш-чи партияси Марказий Коми-тетининг Биринчи секретари Эдвард Герек; ПБНП Мар-казий Комитети Сиёсий бю-росининг аъзоси, ПХР Ми-нистрлар Советининг Раиси Петр Ярошевич; ПБНП Мар-

казий Комитети Сиёсий бю-росининг аъзоси, ПБНП Мар-казий Комитетининг сек-ретари Эдвард Бабож; ПБНП Марказий Комитетининг сек-ретари Ришард Фрелек; ПБНП Марказий Комитети-нинг аъзоси, ПХР ташқи иш-лар министри Эмиль Войта-шек;

Руминия Социалистик Рес-публикасида — делегация бошлиғи, Руминия Комму-нистик партиясининг Бош секретари, Руминия Соци-алистик Республикасининг Президенти Николае Чау-шеску; РКП Марказий Коми-тетининг Сиёсий бюросида комитетининг аъзоси, РСР ҳукума-тининг Бош министри Мена Манеску; РКП Марказий Ко-митети Сиёсий бюросида комитетининг аъзоси, РСР ташқи ишлар министри Штефан Андрей; РКП Мар-казий Комитетининг сек-ретари Василе Мушач.

Совет Социалистик Рес-публикалари Иттифоқидан — делегация бошлиғи, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети-нинг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми-нинг Раиси Л. И. Брежнев; КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети-нинг Раиси А. Н. Косигин; КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети-нинг секретари М. А. Сусло-лов; КПСС Марказий Коми-тетининг Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар

„КҲУРИҚ“ ЯНГИ ЗАФАРЛАРГА ЧОРЛАМОҚДА

ЎЗБЕКИСТОН ИДЕОЛОГИЯ ХОДИМЛАРИ АКТИВИНИНГ ЙИГИЛИШИДАН

Республика идеология ходимлари активининг 23 ноябрь кунини Тошкентда бўлиб ўтган йиғилишида ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кўриқ» хотиралар китобидан Ўзбекистон партия ташкилоти учун келиб чиқадиган вазифаларни муҳокама қилинди. Йиғилишда министрликлар ва идоралар, олий ўқув юрталари ва ижодий овозлар, «Билим» жамия-ти ташкилотлари, омманий ахборот ва пропаганда вазис-таларининг раҳбарлари ҳамда партия ташкилотларининг сек-ретарлари, олимлар, адабиёт ва санъат арбоблари, партия, совет, касаба овоз ва комсомол органларининг масъула хо-димлари иштирок этидилар.

Актив йиғилишининг Ўзе-бекистон Компартияси Мар-казий Комитетининг иккинчи секретари Л. И. Греков оч-ди.

«Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кўриқ» китобидаги қонда-лар асосида республика партия ташкилотининг меҳнат-қашларни коммунистик руҳ-да тарбиялашни янада яхши-лаш соҳасидаги вазифаларни тўғрисида» КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъ-золигига келибди. Ўзбеки-стон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи сек-ретари Ш. Р. Рашидов докла-д қилди.

Шундай воқеалар бўлади-ки, уларнинг ахамияти асло сўнмайди, халқ хотирасида умрбод яшайди, деди Ш. Р. Рашидов. Леонид Ильич Брежневнинг янги хотиралар китоби — «Кўриқ»нинг бо-слиқ қилини айни шундай во-қеа бўлди, мамлакатимиз, бу-тун совет халқи ҳаётида зўр илҳомий-сиёсий аҳамиятга молик воқеа бўлди.

Урушдан кейинги йиллар-да, буюк қайта тикланишнинг қаҳрамонона ишлари бошлан-ган пайтда ҳам ўзига хос «долзарб ишлар» бўлди. Дастлаб беш йилликларда Туркис, Сталинград трактор заводи, Магнитка қурилиш-лари янги ҳаётга эди. Аммо Дне-проГЭСнинг булар орасида энг маншур деса бўлади. Бу нурухонан бутун мамлакат қандай қурганини кенса ав-лоқ кишилари эслайдилар. Бу қурилишни ёзувчилар ва шоирлар маъқуллашган.

Ана шу ДнепроГЭС кул-тепа бўлиб ётар эди. Унинг йиғилиши яна бир асим корхо-на — «Запорожсталь» вайрон бўлган эди. Уларинг тараф-қайтадан тиклаш ва комму-низм учун ишлагани маъбу-р этиш лозим эди. ДнепроГЭС-ни қайта тиклаш — беш йил-ликларнинг меҳнат қаҳра-монлиги байроғини байрав қўтариш, кишиларни зўр бай-рат билан қаҳрамонона меҳ-нат қилишга руҳлантириш демак эди.

Шунда партия меҳнат фронтининг ана шу муҳим у-часткасига ўртоқ Л. И. Брежневни бошчи қилиб қўйди. Запорожье ва Днепро-петровск область партия ко-митетларининг биринчи се-кретари Л. И. Брежнев яна

олдинда борди, ана галаба-ни таъминлади.

Навбат кўриқ ерларга ке-лиди. Мамлакатимиз кенг миқёсдаги ҳўжалик пробле-маларини кўп мартабам ҳал этиш бўлса ҳам, аммо буна-қаси ҳали бўлмаган эди. Партия олдинда бошқа рай-онлардан ўзи минглаб аҳоли-ни янги йилларга кўчириш-дан, янги-янги совхозлар ва шаҳарлар, посёлкалар ва транспорт ўзеллари барпо этишдан, янги инсонни тар-биялаб вояга етказишдан, мамлакатини дон билан, кў-риқ дон билан мўлақўл таъ-минлашдан иборат буюк ик-тимий вазифа турар эди.

Совет кишилари дони ай-ниқса азиз билиб, ардоқлай-дилар. У — энг муҳим маъсу-лоқ, ҳамма бойликларнинг мезонидир. Халқимиз «Дон — рўзгорнинг боши» деб беизиз айтмаган. Биз халқ фаровон-лигини аввало, айни дон бил-ан белгилаймиз. «Кўриқ» китобининг бошланғичини дон тўғрисидаги ҳақиқий дoston деса бўлади: «Ғал-ланг бўлса қўшиқ ҳам оғиз-дан тўшмайди».

Партия аjoyиб коммунист, мард жангчи, атоқли ташки-лотчи, талайга давлат ва партия арбоби Леонид Ильич Брежневни ана коммунистик қурилишнинг энг муҳим уча-сткасига юборди.

Леонид Ильичнинг мароқ-ли китоблари одамларнинг онги ва дилидан шу қадар чуқур юки олинишини, уларни шу қадар тўқинлаштириши-нинг сири ҳам ана шунда. Бу китоблар мардликка, саботли бўлишга, принципаликка ўргатади. Ўз Ватанини қан-дай севинди, қийинчилик-ларини бартафат этишдан са-боқ беради. Бу китоблар — совет кишиларини ахлоқий жондан тарбиялашнинг жу-да кучли қуроли бўлади.

«Еш ғарбия», «Пўлат қандай тобланди», «Очилган кўриқ» ёки «Чарин инсон ҳа-дида қирса» асарлари каби бу китоблар ҳам давримизнинг ҳақиқий қаҳрамон образини гавдалантиради, тақдир қи-лса аризонлиги ибратин қў-сатади, партия иши учун, халқ саодати учун курашда янги жасоратларга руҳланти-ради.

Этан, Л. И. Брежнев хо-тираларини бутун гоийиб-тарбиявий иш неғизига қў-йиш — пропаганда тарти-мига, агитаторларининг, халқ маорифи, маданият, комсомол ташкилотлари хо-димларининг, партия коми-тетларининг иш-шарфи иши-ди. Шу асарларни пропа-ганда қилишининг батафсил

системасини, тегишли лек-ция ва суҳбатлар тематика-сини ишлаб — чиқили, уларни партия маорифи системаси-да ўргатиш зарур. Хуллас, бу соҳада идеология фрон-тининг барча ходимлари қи-ладиган иш қўл.

Л. И. Брежневнинг янги «Кўриқ» китоби ҳақида га-лириванда кўриқ ерларни ў-злаштириш ҳўжалик қурили-шининг шунчаки бир босқи-чи бўлмаганлигини назарда тутиш керак. «Кўриқ» — деб ёзди Леонид Ильич, — миллион-миллион совет ки-шилари революция таъриба-сини амалга оширишни давом эттирдилар, янги тарихий шартонларда унинг муваф-фақиятларини бойитдилар, ривожланган социализм го-либона қурилишининг аюли-ли таърибасини ижод қил-дилар.

ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИ РАПОРТ БЕРМОҚДА

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармаси-нинг хабар беришича, республика саноат корхоналари коллективлари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ҳамда ВЛКСМ Марказий Ко-

(Давоми учинчи бетда).

